

Қурбонлик ва ташриқ кунлари ҳожининг умра қилиши



10:51 / 06.07.2022 1149

Ҳожига арафа кунидан зул-ҳижжанинг ўн учинчи кунигача умра қилиш жоиз эмас. Шунинг учун ҳожи қурбонлик куни ҳаж амалларининг барчасини адо қилиб эҳромдан чиққач, шу куни умра эҳромига кирса ёки ўн учинчи куннинг қуёши ботишидан олдин эҳромга кирса ва умра амалларини адо қилса, қилган умраси дуруст бўлади.

Лекин ўша кунларни ҳаж амаллари учун бўшатиб қўйиш вожибдир. Вожибни тарк қилиб, макруҳи таҳримага қўл ургани туфайли зиммасига қўй ёки эчки қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Фикҳ китобларида ёзилишича, «Йилнинг ҳаммасидан умра қилиш жоиз. Лекин, беш кун, яъни арафа ва наҳр куни ҳамда ташриқ кунлари эҳромга кириб умра қилиш макруҳи таҳримийдир. Бу кунларда умра қилишдан наҳий қилингани учун. Чунки бу кунлар ҳаж кунлари бўлиб, ҳаж учун тайин қилингандир. Агар шу кунлари эҳромга кирса, эҳромга кириш дуруст бўлгани учун зиммасига умра лозим бўлиб, адо қилмай уни тарк қилиши лозим бўлади. Агар умрасини бекор қилмай охиригача етказса, умраси умра бўлиб, қайтарилган ишга қўл ургани ва вақтни ҳаж учун бўшатмагани учун зиммасига бир қон лозим бўлади».

«Мўминнинг умр сафари» китобидан